



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3.805 (2021)

**2023/4**

**TA'LIM VA  
INNOVATION  
TADQIQOTLAR**

**ОБРАЗОВАНИЕ И  
ИННОВАЦИОННЫЕ  
ИССЛЕДОВАНИЯ**

**EDUCATION AND  
INNOVATIVE  
RESEARCH**

**TA'LIM VA INNOVATSION TADQIQOTLAR**  
**ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ**  
**EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



№ 2023  
aprel

<p><b>MUHOSSIS:</b> Buxoro davlat universiteti Fan va ta'lim MChJ</p> <p><b>Bosh muharrir:</b> Ma'murov Bahodir Baxshullayevich</p> <p><b>Jamoatchilik kengashi raisi:</b> Xamidov Obidjon Xafizovich, Buxoro davlat universiteti rektori</p> <p><b>Tahririyat kengashi raisi:</b> Maxmudov Mels Hasanovich</p> <p><b>Mas'ul kotib:</b> Akramova Gulbahor Renatovna</p> <p><b>Texnik muxarrir:</b> Davronov Ismoil Ergashevich</p> <p><b>Tahririyat manzili:</b> Buxoro shahar, Q.Murtazoyev ko'chasi, 16-uy</p> <p><b>Telefon:</b> +998(90)744-00-22</p> <p><b>E-mail:</b> eirjurnal2020@gmail.com</p> <p><b>Jurnalning elektron sayti:</b> www.interscience.uz</p> <p>Jurnal OAK Rayosatining 2021 yil 30 sentyabrdagi 306/6-son Qarori bilan PEDAGOGIKA, PSIXOLOGIYA, FILOLOGIYA, TARIX FANLARI bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ruyxatiga kiritilgan</p> <p>Bosishga ruxsat etildi: 28.02.2023 y. Qog'oz bichimi 60x84 1/8. b/t.12,5. Buyurtma raqami 1.23 «FAN VA TA'LIM» nashriyotida chop etiladi. Buxoro shahar</p> <p>Jurnal 28.07.2021 yilda 9305 raqami bilan O'zbekiston Ommaviy axborot vositalari davlat ro'yxatidan o'tgan</p> <p>Jurnal 2020 yilda tashkil topdi va 2 oyda 1 marta chop etildi. 2021 yil noyabr oyidan boshlab har oyda 1 marta o'zbek, rus va ingliz tillarida chop etiladi</p> <p>«Ta'lim va innovatsion tadqiqotlar» xalqaro ilmiy-metodik jurnalidan ko'chirib bosish tahririyatning roziligi bilan amalga oshiriladi</p> <p>Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'uldir</p>	<b>07.00.00 – TARIX FANLARI</b>	
	Рашидов О. Профессор Сулаймон Иноятов кутлуг 85 ёшда	7
	Mamatov B. T. XVII asming birinchi yarmida Buxoro xonligining tashqi siyosatida bahodir yalangto'sh	10
	Raxmatulloev M. X. Yangi O'zbekistonda ommaviy axborot vositalari faoliyati qonun himoyasida	18
	Қўлдашев Ш. Т. «Тарихи Азийий» асарида Жанубий Қозоғистон шаҳарлари тарихини ёритилиши	23
	Saidov J. O. Amir Temur va temuriylar davri savdo va madaniy aloqalarida Jizzax vohasining tutgan o'rni xususida	28
	Utayeva F. X. Teshayeva Yulduz Hakim Buxoro to'qimachilik kombinatida mutaxassislarning o'rni va oilalarning ish bilan ta'minlanishi	33
	Сиддиқов И. Б. Бўлажак тарихчиларда тарихий онгни шакллантириш асосида информацион-аналитик компетентликни ривожлантиришнинг педагогик тизими масаласига доир	40
	Зарипов О. О. «Тарихи Хумоюн» Бухоро амирлиги тарихини ўрганишда муҳим манба	46
	<b>10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI</b>	
	Шарипова Л. Тилак Жўра шеърятининг ўзига хосликлари	53
	Атахо'jayeva Sh. A. Bo'lajak ingliz tili o'qituvchilarining ijtimoiy intellekt xususiyatlari	57
	Орипова Г. М. Персонажли лирикада лирик кечинма ифодаси	63
Mamadjanova Maftunahon Uktamovna Epitekning lingvistik tabiati	69	
Xajiyeva D. A. Erkin Vohidov ijodida folklorning ertak janriga munosabat	72	
Hamdamova Z. Sh. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida to'g'ri talaffuz ko'nikmalarini shakllantirishda mashqlarning o'rni	78	
Hamidov H. A. Sport jurnalistlari nutqida metaforalarning ifodalanishi	83	
Jakbarova M. I. Ona tilida nutq so'zlash ko'nikmasini rivojlantirish bo'yicha metodik tavsiyalarning amaliyotda qo'llanilishi	88	
Murodova Sh. I. Ona tili va adabiyot darslarida o'qish savodxonligini rivojlantiruvchi o'quv topshiriqlari	94	
Norova I. M. Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarni chiroyli yozishga o'rgatish	99	
Omonboeva N. E. Boshlang'ich sinf o'quvchilari bilan o'quv lug'atlari ustida ishlash	103	
Umarova N. Z. Oliy ta'lim tizimida o'quv topshiriqlaridan foydalanish	107	
<b>13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI</b>		
Ma'murov B. B., Umarov A.T. Akmeologik yondashuv asosida jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirish muammo va yechimlari	112	



Abduraxmanov SH. N. O'quvchilarda vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirishda sharq mutafakkirlarining ta'lim- tarbiyaviy ahamiyoti	118
Abduraxmonova Sh. R., Tillaboyev A. M. Oliy ta'lim muassasalarida astronomiyadan kuzatishlarni tashkil etish metodikasi	121
Akramova G. M. Jismoniy tarbiya o'qituvchisining kasbiy faoliyatga deontologik tayyorlashning o'ziga xos jihatlari	125
Арипова Е. А., Ким И. Л., Сурков Д. Ю. Математика — это весело?	129
Бабаева Ш. Б. Алгоритмическая система упражнений по моделированию синтаксических понятий в обеспечении непрерывности на уроках родного языка в начальных классах	137
Baxriddinov N. B. Kredit-modul tizimida talabalarning ta'lim olish imkoniyatlari, mustaqil fikrlash qobiliyatini shakllantirishda didaktikaning ahamiyati	143
Bobonazarov O. A. Bo'lajak o'qituvchilarda ijodiy faoliyatni rivojlantirishning falsafiy va pedagogik-psixologik jihatlari	147
Bozorov A. B. Zargarlik san'atining dunyo xalqlari hayotidagi o'rni va ahamiyati	152
Гулямов Дж. Р., Акрамова Г. Р., Азимжонова Р. Р. К вопросу педагогического отклонения в поведении учащихся: сущность, факторы и причины возникновения	155
Джабборова Ю. Дж. Махмудхўжа Бехбудийнинг ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлари	163
Djurayeva M. Tarbiyalanuvchilarni gimnastika sport faoliyatiga hissiy-irodaviy tayyorlash shart-sharoitlari	168
Ermuminov A. T. Umumiy o'rta ta'lim maktabi o'quvchilarning estetik madaniyatini rivojlantirish muamosi	171
Ibadullaeva Sh. I. Organization of inclusive education in art classes.	176
Ismatullaeva S. R. Dzyudo sport turi bo'yicha kattalar o'rtasida toshkent "grand slam" 2023- taxlil natijalari	182
Irisboyeva Y. U. Muloqotga yordam beruvchi omillar va to'siqlarni o'rganish va tahlili	190
Jumageldiyeva M. A., Tillaboyev A. M. Umumiy o'rta ta'lim maktablarda astronomiyadan nomoyishli ko'rgazmalar o'tkazish	195
Jumayeva F. F. Formation of legal consciousness among elementary school students as a pedagogical problem	199
Каримова М. Ж. Амир Темурнинг ҳарбий фаолияти	205
Mamatov D. K. Chizmachilik darsida talabalarda kognitiv kompetensiyani rivojlantirish texnologiyasi	210
Mamatqulov Shuxrat Nazarovich Ilg'or xorij tajribasi asosida maktablarda ta'limni tashkil etishning zamonaviy usullari	217
Махмудов М.К. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари педагогик қобилиятлари таснифи	222
Muhammadiyeva Z. B. Tasviriy san'at darslarida o'quvchilarning ijodkorlik kompetentligini shakllantirish metodikasi	227
Musayev A. Sh. Mustaqil ta'limni tashkil etishda ta'lim platformalari bilan ishlashning samaradorligi	233
Nasimova N. Q. Integrativ yondashuv asosida maktabgacha yoshidagi bolalarda tayanch kompetensiyalarini takomillashtirish uchun tarbiyachilarga qo'yiladigan talablar.	239
Omonova R. R. Tasviriy san'at darslarida kompyuter texnologiyalaridan foydalanib o'quvchilarning estetik madaniyatini rivojlantirish muommolari	245
Qodirov J. M. Qishloq maktab o'quvchilarida jismoniy sifatlarni rivojlantirishda yangicha yondashuv holatining hozirgi vaqtdagi ahvoli hamda didaktik imkoniyatlari	250
Rahmonov I. U., Niyozov N. N., Nematov L. A. Virtual laboratoriyalar va o'quv simulyatorlari: afzallik va kamchiliklar	254
Raxmonqulov X. B. O'quvchilarning ijodiy faoliyatini rivojlantirish texnologiyasi samaradorligi	260



Sadulloeva M. G. Theoretical foundations of the organization of continuous pedagogical practice	264
Safarova S. T. O'рта sinf maktab yoshidagi estetik tarbiyaning xususiyatlari	269
Samadov A. A. O'zgaruvchan ta'lim paradigmasi sharoitida harbiy ta'lim o'qituvchisining kasbiy mahoratini takomillashtirishning pedagogik-psixologik xususiyatlari va omillari	272
Sattarov Sh. Y. Autocad grafik dasturining yangi avlodi vositasida detal chizmasini bajarish metodikasi	276
Shovdirov S. A. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий тасаввурларини ривожлантириш	281
Soatov D. M. Дзюдо машгулотлари орқали ўқувчиларда жисмоний сифатларни ривожлантириш	286
Султанова Д. Б. Свойства и новые технологии хореографии в художественной гимнастике	291
Chinaliyeva A. B. Булажак бошлангич синф уқитувчиларининг касбий компетенциясини шахсга йуналтирилган таълим асосида ривожлантириш технологияси	297
Turakulov A. E. Xalq amaliy san'ati vositasida bo'lajak o'qituvchilarning ijodkorlik tafakkurni rivojlantirish metodikasi	302
Ubaydullaeva V. P. Theoretical foundations of competences determining the quality of modern education	307
Umarov A. T. Ўқувчи-ёшларнинг кураш спорт турига қизиқишларини ривожлантириш методлари	314
Urinov U. Educational technology and methodology in teaching special subjects to students	319
Utepbeganov A. K. III Renessans davri jismoniy tarbiya o'qituvchisining pedagogik ta'limiga akmeologik yondashuv	329
Xasanov X. X. Tasviriy san'atning tur va janrlari	328
Xashimova F. S., Xusanov Z. J. Tarmoqlangan tuzilmalarda issiqlik tarqalishi: metrik grafik asosidagi yondashuv	332
Xojanov B. K. Юқори синф ўқувчиларини экологик тарғиботчилик фаолиятга тайёрлаш ишларини олиб бориш зарурияти	337
Xўжаев А. А. Олий таълим муассасаларида таълим сифати мониторингини такомиллаштиришнинг педагогик механизмлари	342
<b>19.00.00 – PSIXOLOGIYA FANLARI</b>	
Байбаева М. Х., Мажидова М. Б. Роль классного руководителя в развитии мотивационно-волевой сферы учащегося	348
Комилова М. О. Медицинская анимация в смешанном обучении	353
Tilavov M. X. Oliy ta'lim tizimida faoliyat yuritayotgan rahbarlarning boshqaruv uslublarini o'rganishning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari	358
Усманова М. Н. Влияние одиночества на эффективность учебной деятельности студентов	363
Qurbonboyev A. N. O'zini o'zi faollashtirish xususiyatining talabalik davrida namoyon bo'lishi	370
Salohiddinova G'. B. Yoshlarni ijtimoiy faolligini oshirishda tanqidiy fikrlash texnologiyasidan foydalanishning afzalliklari.	375
Mustafoyeva D. A. Yangi texnologiyalarni tayyorlash va rivojlantirish sohasidagi innovatsiyalar	381
Bozorov A. A. Professor-o'qituvchilarni kasbiy kamoloti ta'lim sifati	385
Uralova Sh. Sh. Pichoq / Knife	390

## **БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРИ ТАСНИФИ**

*М.К.Маҳмудов*

*Бухоро давлат университети факультетлараро жисмоний тарбия  
кафедраси ўқитувчиси*

*Аннотация: мазкур мақолада бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ривожлантириш тизимида фаолиятни самарали амалга оширишнинг асосий шарти сифатида қобилиятлар таснифи мазмуни келтирилган. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантириш тузилмасини тавсифлашнинг илмий методи сифатида классификация методидан фойдаланилган.*

*Калит сўзлар: фаолият, педагогик маҳорат, тасниф, қобилият, ривожланиш, жараён, тузилма, натижа.*

## **КЛАССИФИКАЦИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАВЫКОВ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ**

*Максуд Камалович Махмудов*

*Преподаватель межфакультетской кафедры физического воспитания  
Бухарского государственного университета*

*Аннотация: В данной статье представлено содержание классификации способностей как предпосылки эффективной реализации деятельности в системе развития педагогического мастерства будущих учителей физического воспитания. В качестве научного метода описания структуры развития педагогических умений будущего учителя физической культуры, использован метод классификации.*

*Ключевые слова: деятельность, педагогическое мастерство, классификация, способность, развитие, процесс, структура, результат.*

## **CLASSIFICATION OF PEDAGOGICAL SKILLS OF FUTURE TEACHERS OF PHYSICAL EDUCATION**

*Maksud Kamalovich Makhmudov*

*Lecturer at the Interfaculty Department of Physical Education, Bukhara State  
University*

*Abstract: This article presents the content of the classification of abilities as a prerequisite for the effective implementation of activities in the system of development of pedagogical skills of future teachers of physical education. As a scientific method for describing the structure of the development of pedagogical skills of a future teacher of physical culture, the classification method was used.*

*Key words: activity, pedagogical skills, classification, ability, development, process, structure, result.*

Бугунги кунда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш давр талабига айланган. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади таълим



соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу кундаги асосий вазифалардан бири сифатида Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш белгиланган.

Шунингдек, 2019 йилнинг октябрида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Бу борада, яъни бўлажак мутахассисларни тайёрлашда рақобатбардошликни таъминлаш, ривожланган таълим тизимига уйғунлашиш, таълимда ҳамкорликни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларни инновацион ривожланган қилиб шакллантириш масалалари долзарб вазифалар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” вазифаси ҳам мазкур йўналишга тегишли ижодий фаолиятимизнинг барча бўғинларини тубдан ислоҳ қилишни талаб этади. Бундай вазифаларни бажариш, албатта, бўлажак ўқитувчиларни касбий ҳамда шахсий компетентлигини шакллантириш, педагогик маҳоратини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, у олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.11.2020 йил ПҚ-4877-сонли “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида ҳам олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни юқори даражада бажаришга қодир малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси белгиланди.

Шу нуқтаи назардан жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий ҳамда шахсий фаолияти, шунингдек интеллектуал хусусиятларини ривожлантириш орқали педагогик маҳоратини такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Педагогик маҳорат ўқитувчилар ва тарбиячиларга педагогик ижодкорлик, педагогик техника, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, мулоқот олиб бориш тактикаси, нутқ маданияти, тафаккури, тарбиячининг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, бу жараёнда хулқ-атвор ва ҳиссиётни жиловлай олиш хусусиятларини ўргатади ва ўз касбини ривожлантириб боровчи педагогик фаолиятлар тизими тўғрисида маълумотлар беради.

Тузилма ёки таркиб – бирон-бир нарсанинг ички тузилиши, бирон-бир нарсанинг табиати, қонуниятлари, қисмларининг ўзаро ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган фундаментал, моддий ёки номмодий тушунча маъносини англатади.

Тадқиқотларимиз натижасида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантириш тузилмасини тавсифлашнинг илмий


методи сифатида классификация методидан фойдаландик.

I. Ўқитувчи педагогик маҳоратини ривожлантириш тузилмасининг кластерли тавсифи

1. «Шахс хусусиятлари» кластери

Ушбу кластерда педагогик маҳорат унинг юқори даражада намоён бўлишини таъминловчи педагог шахси хусусиятларининг комплекси тарзида кўриб чиқилади. Бўлажак ўқитувчи педагогик маҳоратини белгиловчи хусусиятлар орасидаги асосий ўринни кадриятли-мотивацион(касбий-педагогик йўналганлик) ташкил этувчилар ҳамда индивидуал-руҳий(умумий ҳамда касбий педагогик қобилиятлар) ўзига хослик ҳолатларининг ўзаро бирлиги эгаллайди. Педагогик маҳоратнинг юқори даражасини таъминловчи шахсий хусусиятларнинг бир қанча шакллари таснифланади.

Бўлажак ўқитувчи педагогик маҳорат тузилмасида касбий-педагогик йўналганлик асосий ташкил этувчи сифатида намоён бўлиб, шахс ривожланиши хусусиятларини барчасини қамраб олиб, ўзаро боғлиқлик асосида умумий тузилмани ташкил этади.



Бўлажак ўқитувчи шахси хусусиятлари кластери

1-расм. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси педагогик маҳорати

тузилмаси.

Бўлажак ўқитувчи шахсида касбий-қадриятли ориентация, яъни йўналганликнинг мавжудлиги, уни ўз касби ва фаолиятига виждонан ёндашиш билан бир қаторда изланиш ва ижодга ундайди. Аксинча, ижобий ориентациянинг мавжуд эмаслиги, педагогик инқирозга олиб келиб, эгалланган педагогик маҳоратнинг бартараф бўлиш имкониятини яратади.

Башоратловчи ҳамда лойиҳалувчи функцияларни бажарувчи касбий-қадриятли йўналганлик ўқитувчига ўз фаолият моделини тузиш.

Педагогик ўзини-ўзи англаш - онг, диққатнинг ўз-ўзига йўналтирилгандаги ҳолати. Бу ҳолат педагогнинг шахсий установакалари ва диспозицияларига сезгирлигини оширади.

Ҳар бир киши ўз-ўзига яхши, объектив баҳо беришни истайди, лекин ўз шахсий фазилатларини қандай англаб тан олишни кўпчилик тушунмайди. Бизнинг ўз-ўзимизга баҳо беришимиз яшаб ўтган йилларимизда тўплаган барча тушунчаларни ҳаёлан тасаввур этиш орқали шаклланади.

Мутахассис сифатида ўзига ишонч туйғусини кучайтириб, педагогик бурчи ва масъулиятини сезиш орқали ўзини баҳолашга имкон беради. Ўзини-ўзи баҳолаш шахс хусусиятларини намоён қилувчи филтер сифатида ўқитувчи педагогик маҳоратини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқитувчи педагогик маҳоратини ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган шахс хусусиятлари орасида педагогик ҳамкорлик асосидаги фаолиятни ташкил қилиш ва амалга ошириш имкониятини ҳосил қилувчи ижтимоий хусусиятлар, когнитив жараёнларни самарали кечишини таъминлайдиган интеллектуал хусусиятлар ҳамда педагогик фаолиятнинг йўналишларини белгилайдиган ахлоқий хусусиятлар ва фазилатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1. “Педагогик қобилиятлар” кластери.

Педагогик қобилият-педагог томонидан педагогик фаолиятни оқилона ташкил этилиши ва олиб борилишини, амалий вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда аҳамиятли бўлган хусусиятларни ифодалайди.

Педагогик қобилиятлар-педагогик фаолиятни самарали амалга оширишнинг асосий шarti ҳисобланади.

Замонавий педагог қуйидаги қобилиятларни ўзида акс эттириши лозим:

1. Ташкилотчилик қобилияти - талабаларни бирлаштириш, вазифалар билан банд қилиш, жавобгарликни тақсимлаш, умумий топшириқлар бажаришда кўринади.

2. Дидактик қобилияти - ўқув материални, кўргазмаларни танлаш ва тайёрлаш, талабаларнинг билишга нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжларини рағбатлантириш, ўқув фаоллигини оширишда намоён бўлади.

3. Перцептив қобилияти - талабанинг маънавий дунёсига кира олиш, рухий-эмоционал ҳолатини аниқлаш ва объектив баҳолаш олиш, педагогик интуиция ва эмпатияда кўринади.

4. Коммуникатив қобилияти - талабалар, ҳамкасблар ва раҳбарият билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабат ўрнатиш, мулоқотга тез киришиш, экстровертикда намоён бўлади.

5. Суггестив қобилияти - талабаларга эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш, уларни ўз имкониятларига ишонтира олишда кўринади.

6. Илмий-тадқиқотчилик қобилияти - педагогик вазият ва жараёнларни ўрганиш ва баҳолаш малакалари тушунилади.

7. Нутқ қобилияти - аниқ ва ишончли, эмоцияли, маданиятли, лугатий



жихатдан бой нутқ техникасига эга бўлиш.

7. Академик қобилият- (илмий-тадқиқотларни амалга ошириш ва ўз шахсий ҳамда касбий тажрибасини умумлаштириш) бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогика-психология соҳасида доимий ўз билимларини такомиллаштириб бориши ҳамда фаолиятида илмий-тадқиқот методларини қўллашида намоён бўлади.

Кўриниб турибдики жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик қобилиятлари ривожланиши борасида унинг педагогик маҳорат ҳам такомиллашиб боради.

#### Адабиётлар

1. Деркач А.А. Акмеологические основы развития профессионала. М.: Изд-во МПСИ; Воронеж: НПО МОДЭК, 2004. -752 с.

2. Костикина Н.М. Акмеология физической культуры и спорта : учеб. пособие. – Омск: Изд-во СибГУФК, 2005. – 180 с.

3. Маъмуров Б.Б. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими. Монография-Т.:”Фан ва технология”, 2017, 128

4. Немов, Р.С. Психология: учеб. для студ. высших пед. уч. заведений: в 3 ч. / Кн. 2. Психология образования [Текст] / Р.С. Немов. – М.: Просвещение, 1994. – 496 с

5. Педагогика: энциклопедия / тузувчилар: жамоа. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. Б. 45-46

6. М. Mahmudov. Akmeologik yondashuv asosida bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilari pedagogik mahoratini rivojlantirish. “XALQ TA'LIMI” ilmiy-metodik jurnali. 2021. № 6. 84-bet